



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 11 октябрь, № 200 (5620)

Пайшанба

Ўзбекистон — Озарбайжон: Дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарига содиқлик

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар асосини узок ўтмишга бориб тақаладиган мустаҳкам дўстлик ришталари ва қардошлиқ, маданиятлар, тиллар ҳамда анъаналар муштараклиги, қадим даврлардан буён икки мамлакат халқларини боғлаб келаётган маънавий ва инсонпарварлик қадриятларининг умумийлиги ташкил этади.

Аввалбошданок тенг ҳуқуқлилик ва конструктивлик тамойиллари асосидаги ҳамда миллий манфаатлар ва устуворликлар ҳисобга олинган ҳолда қурилган Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари ҳар икки давлат мустақиллиги қўлга киритганидан сўнг сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилди ва улар янада ўсувчанликни касб этгани ҳолда, янги мазмун билан бойиди. Тошкентда ҳам, Бокуда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш ҳамда бир-бирларининг манфаатларига ҳурмат билан қараш тамойиллари асосидаги муносабатлар юқори баҳоланади ва қадрланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон юқори самара берадиган кўп қиррали ҳамкорлик салоҳиятини ҳаётга татбиқ этишга интиланган ҳолда ҳар икки томон кенг қамровли шерикликка содиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Икки мамлакат етакчилари ўртасидаги илиқ ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар азалий дўстлараро очик мулоқотнинг ривожланишига кўмак бераётган ижобий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил сентябрь ойида Озарбайжонга буюрган расмий ташрифи бунинг ёрқин мисоли бўлди. Чунки мазкур ташриф икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берган эди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг 2010 йил сентябрида Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи эса илгари эришилган келишувларнинг мантиқий давоми сифатида хизмат қилгани ҳолда уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнини жадаллаштирди.

Ушбу ташрифлар доирасида имзоланган давлатлараро ва идоралараро ҳужжатлар мажмуи ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун пойдеворни мустаҳкамлаб, истиқболдаги алоқаларнинг янги йўналишини белгилаб берди. Шу ўринда бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида икки томонлама муносабатларнинг барча қирраларини тартибга солувчи 110 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат имзоланганини қайд этиш жоиздир.

Ўзбекистон Озарбайжонга замонавий дунёнинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган минтақасидаги жуда муҳим шерик сифатида қарайдики, унинг геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамияти тобора ўсиб бораётди. Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари катта истиқболга эга эканлигини ҳамда Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларида узок муддатли барқарорлик ҳамда мустаҳкам тараққиётнинг қўллаб-қувватланишида алоҳида аҳамият касб этишини вақтнинг ўзи кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).

Дил сўзи

Куни кеча Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифи чоғида бизнинг фермер хўжалигимиз пахта даласида бўлиб, деҳқон ва фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари билан очик мулоқот қилдилар. Самимий ва қизгин тарзда ўтган сўхбатдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, албатта.

Эътироф, ишонч ва масъулият

Сўхбат асносида амин бўлдики, Юртбошимиз хорижийликнинг ҳол-аҳолини, фермерларнинг утуқ ва камчиликларини, умуман, деҳқончиликни чуқур тушунадилар. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан янада юқори ҳосил олиш сирлари, агротехника тадбирларининг ўзига хос жиҳатлари, тупроқ унумдорлигини мунтазам ошириб бориш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланиш, деҳқончиликка илғор тажрибаларни жорий этиш зарурлиги ҳақида билдирган фикрлари барчанинг дилидаги гап бўлди.

Президентимиз, шунингдек, эндиликда фермерлик ҳаракатини янги босқичга кўтариш, нафақат деҳқончилик ҳисобидан даромад топиш, балки кўмакчиликни яратиб, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида иланиш, интилиш ва ташаббус кўрсатиш лозимлигини уқтирдилар.

(Давоми 2-бетда).

Чиндан ҳам, қачонки, ишимизда илғор тажрибаларни изчил қўлласакки, имкониятларимиз янада кенгайиб, юртимиз тараққиётига қўшадиган ҳиссамиз ортади. Фермерлар учун барча имкониятлар эшиклари очик экан, бизга шахсан Юртбошимиз томонидан юксак ишонч билдирилган экан, бу борада тадбиркор бўлишни, эл фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишни бурчимиз, деб билишимиз даркор.

Айни пайтда фермер хўжалигимизда 25 нафар киши иш билан банд бўлса, улар ёрдамида 67,6 гектар майдонимизнинг ҳар гектаридан 60 центнердан галла йиғиштириб олдик. Пахтачиликда ҳам шартномавий режани ошиғи билан бажардик. Хусусан, ҳозиргача пахта ҳосилдорлиги гектарига 30 центнердан ошди. Аммо мавсум охиригача бу кўрсаткичи 40 центнерга етказиш ниятидамыз.



Ахборот ва матбаачилик соҳаси:

Юксак эътибор ва изчил ривожланиш

Кеча пойтахтимизда “Ўзбекистон матбуоти” II миллий форуми ва кўрғазмаси ҳамда “O'zbekinprint”, “O'zprint” ва “O'zreklama” халқаро кўрғазмаси очилди.

Кўрғазма

У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Мазкур тадбир очилиш маросимида истиқлол йилларида юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларни янада

либераллаштиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу, ўз навбатида, жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини янада кенгроқ рўйбга қиқариш, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимизда бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий-ташқилий пойдевор яратилган. Хусусан, масс-медиа тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инновациялар, демократик бозор механизми кенг жорий этил-

ди, бу борада бир қатор имтиёзлар ва қулайликлар яратиб берилди. Қолаверса, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизими такомиллаштирилди. Пировадиди фақат кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони икки баробар кўпайди. Бугунги кунда республикамизда 715 тага яқин газета, 263 та журнал, 4 та ахборот агентлиги фаолият юритмоқда.

Давоми 2-бетда).

Тақдимот

Кеча Тошкент шаҳрида “Rieter Uzbekistan” хорижий корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Илғор тўқимачилик ускуналари

пойтахтимизда очилган янги “Rieter Uzbekistan” корхонасида ишлаб чиқарилмоқда

Енгил ва тўқимачилик саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан мазкур соҳани ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, замонавий қувватларни ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга келиб, “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар сони 270 дан ошиб кетгани ана шу эътиборнинг юксак самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Ҳакамлик судлари:

Миллий қонунчилик ва халқаро тажриба

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси томонидан “Арбитраж ва медиация ривожланишидаги ҳуқуқий муаммолар ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижрола доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вазирликлар, ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари, чет эл дипломатик корпус вакиллари, Бельгия, Россия, Ҳиндистон, Украина, Руминия, Латвия сингари давлатларнинг экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-

лари тўла таъминлаб келинмоқда. Ушбу жараёнда судловнинг нисбатан янги тури — ҳакамлик судлари ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Маълумки, мамлакатимизда “Ҳакамлик судлари тўрисида”ги Қонун қабул қилинган, мазкур судлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Шундан буён улар фуқаролар ҳуқуқий муносабатлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида вуҷудга келган ҳўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат орган сифатида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давоми 2-бетда).

Фаровонликнинг молиявий асоси

Мамлакатимизда хизматлар бозорини ривожлантириш, айниқса, тижорат банклари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада соҳа инфратузилмаси такомиллашиб, энг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли қатламлари ҳам қамраб олинаёпти.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Жойларда 30 та тижорат банкининг 830 та филиали, 2363 та минибанки, 1715 та махсус кассаси фаолият юритаётгани, бошқача айтганда, юртимиз аҳолиси ва тадбиркорлик субъектларига 9000 тадан ортиқ банк инфратузил-

малари орқали тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилаётгани бунинг исботидир.

Банк тизимида кузатилаётган бундай ижобий ҳолат яқинда Халқаро валюта жамғармасининг Вашингтондаги янги тадиқот натижаларига кўра, яна

бир қарра қайд этилди. Унда келтирилишича, Ўзбекистонда банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари, жумладан, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси индикатори ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 47,7 тани, ҳар мингта аҳолига тўғри келадиган жисмоний шахс омонатчилар ҳисобварағи сони индикатори 1026 бирлиқни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичлар бўйича юқори баҳога сазовор бўлди.

(Давоми 3-бетда).

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Андижон

Олтинкўл туманида устав жамғармаси 470 минг АҚШ долларлик “Дагеон Престоне” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилди.

Импортга эҳтиёж қолмади

Бунинг учун хорижий ҳамкорлар томонидан 241,7 минг АҚШ долларлик тўғридан-тўғри инвестиция киритилди. Айни пайтда бу ерда автомобильлар учун шампунь ва антифриз ишлаб чиқарилмоқда.

Туманда жорий йилнинг ўтган даврида саноатда 14 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 1161 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Вилоятда жорий йилнинг дастлабки ярмида экспорт ҳажмининг ўсиши 137,5 фоизни ташкил қилди. Бунда “Пешкутекс” қўшма корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Муҳим кўрсаткич

Хусусан, жамоа ўтган йилнинг шу даврида 559,9 минг АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилганди. Икки имкониятлардан самарали фойдаланиш эвазига жорий йилнинг ўтган даврида бу борадаги кўрсаткич 10,3 фоизга ўсди. “Пешкутекс” фаолияти кенгайтириш соҳасига жамоа сафига яна ийгирма нафар коллеж битирувчиси келиб қўшилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, қўшма корхонада йил охирига қадар умумий қиймати 4 миллиард сўмликдан зиёд бўлган иккита янги бизнес лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланаёпти.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё

Алюминийдан тайёрланган эшик ва дераза ромлари харидоригр маҳсулот ҳисобланади.

Тадбиркор лойиҳаси

Гулистон туманилик Равашан Алимардонов ҳам истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, ана шу турдаги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштирди. Тадбиркорнинг бизнес лойиҳаси банк кредити ҳисобидан молиялаштирилди. Натижада корхона жамоаси аъзолари сони яна 8 нафарга кўпайиб, улар томонидан қисқа муддатда 350 миллион сўмлик эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, бу ерда миқозларга хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган 6 ой давомида Гулистон туманидаги шундай кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 3 миллиард 839,4 миллион сўмлик кредитлар ажратилиши эвазига 794 та иш ўрни яратилди.

Ш. ХОЛМУРDOV,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

БИРЖА САВДОЛАРИ: КИЧИК БИЗНЕСНИНГ УЛУШИ ОШМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар ҳажми умумий биржа айланмаси ҳажмининг

53,5 фоизини ташкил этди.

Бу, ўз навбатида, биржа савдоларида ёнишдан ҳосил бўлган мазут, техник олтингурт, металл рух, минерал ўғитлар, полиэтилен сотиш ҳажмини анча миқдорда кўпайтириш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Шу тариқа Ўзбекистон — банк бўлиминининг сони бўйича Марказий Осиё давлатлари етакчиси, деб эътибор этилди.

Миллий матбуот марказида банк тизими хизматларини кенгайтириш масалаларига бағишлаб ташкил қилинган анжуманда шу ҳақда атрофлича маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Шухрат Хайдаров таъкидлаганидек, Президентимиз та-

қиб, оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида истеъмо ва ипотека кредитлари ажратиш масаласи ҳам доимий диққат-этиборда турибди. Сабаби, ҳаёт даражасининг юксалиши бундай кредитларга бўлган талабни оширмақда. Ўртимиз аҳолиси жорий йилнинг тўққиз ойида 158 млрд. сўмлик истеъмо, 114 млрд. сўмлик ипотека кредитларидан баҳраманд бўлгани бундан далolat беради.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, кредитлар-

Фаровонликнинг молиявий асоси

шаббиси билан ҳаётга татбиқ қилинаётган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тижорат банклари зиммасига янада улкан масъулият юқлади. Нега деганда, ижтимоий ва иқтисодий соҳалар ривожига ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бораётган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, шинам уй-жойлар билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда молия муассасаларининг кўмаги беқиссидир. Шу боис жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилган бу каби лойиҳаларни молиялаштиришга жиддий эътибор билан ёндашилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес субъектларига 4,2 трлн. сўмлик, ёш оилаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 104,8 млрд. сўмлик, ишбилармон аёлларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга эса 814 млрд. сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди.

нинг ушбу турлари капитални қайта тақсимлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, одамларни меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради. Энг асосийси, истеъмо бозори имкониятларини кенгайтириб, товарларни сотиш, маблагларни жамлаш ва марказлаштириш жараёнини жалдлаштирилади, шунингдек, нақд пул ва товар айланмасига ижобий таъсир кўрсатади. Аслида, банк тизимида чакана хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, аҳолининг барча қатлами кўрама олиш мақсадида изчил чора-тадбирлар қўрилатганининг боиси ҳам шунда.

Анжуманда ёш оилаларнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ажратилаётган ипотека кредитлари, бу борада уларга яратилаётган қулайликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган шу каби вазифалар ижроси учун тижорат банклари томонидан ўтган 9 ойда жами 1 трлн. 177 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Р. САИДОВ.

Қишлоқда замонавий корхона

Шуманай туманилик тадбиркор Орзу Ибрагимов Беғжап қишлоғида йилига 25 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий корхона фаолиятини йўлга қўйди.

Интилиш

Банкнинг 800 миллион сўмлик молиявий кўмаги асосида ташкил этилган ушбу "Қурилишсервис-Шуманай" масъулияти чекланган жамиятида иш билан таъминланган 53 нафар ишчи-мутахассиснинг аксариятини коллеж битирувчилари ташкил этади.

— Коллежни тугатиб, шу корхонага ишга жойлашдим, — дейди Женгисбой Тўрекеев. — Бу ерда барча жараён илгор технологиялар ёрдамида, автоматик тарзда амалга оширилган экан. Бунинг учун компьютер орқали керакли дастур ишга туширилса кифоя. Қисқа фурсатда устозларим кўмаги билан замонавий дастгоҳларни бошқаришни ўзлаштириб олдим.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий давлат кончилик институти

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

- I. Кафедра мудирлари:**
- Кончилик иши.
 - Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари.
 - Ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси.
 - Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
 - Жисмоний маданият.
 - Ўзбек ва чет тиллари.
 - Олий математика.
 - Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш.
 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув.
- II. Қуйидаги кафедралар профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистентлари:**
- Кончилик иши: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
 - Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
 - Ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
 - Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги: ассистент — 1 ўрин.
 - Ўзбек ва чет тиллари: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин (Базарова У.).
 - Кимёвий технология: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
 - Иқтисодий ва менежмент: ассистент — 1 ўрин.
 - Металлургия: доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
 - Ижтимоий-гуманитар фанлар: профессор — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
 - Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришни автоматлаштириш: профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
 - Электр энергетикаси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
- Изоҳ: хужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.**
- Манзил: Навоий шаҳри, Жанубий кўчаси, 27-«А» уй, Навоий давлат кончилик институти, ўқув-услубий бўлим. Мурожаат учун телефон: (8-436) 770-29-40.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Фарғона вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2013 йилда қурилиш, реконструкцияси ва капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларга танлов савдолари ўтказилиши бўйича дастлабки рўйхатни эълон қилади.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ	
Реконструкция	
1. Бешариқ тумани, Бешариқ марказидаги 2-мактаб (420 ўринли ўқув блоки қурилиши билан).	8. Вилоят кўп тармоқли 225 ўринли, 120 қатновли (сменали) болалар маркази.
2. Фуркат туманидаги 25-мактаб (210 ўринли ўқув блоки қурилиши билан).	9. Бувайда тумани 110 ўринли тиббиёт бирлашмаси.
3. Фуркат туманидаги 36-мактаб (140 ўринли ўқув блоки қурилиши билан).	10. Фарғона шаҳридаги 100 ўринли, 100 қатновли (сменали) виллоят онкология диспансери.
4. Бешариқ тумани, Бахмал қишлоғидаги 21-мактаб (160 ўринли ўқув блоки ва 9x18 м. спорт зали қурилиши билан).	11. Республика тез-тиббий ёрдам марказининг Фарғона вилояти филиали
5. Кўштена туманидаги 5-мактаб (140 ўринли ўқув блоки қурилиши билан).	
6. Сўх тумани, Навабад маҳалласидаги мактаб (210 ўринли ўқув блоки қурилиши билан).	
7. Учкўприк туманидаги 2-максус мактаб (60 ўринли ўқув блоки ва 12x24 м. спорт зали қурилиши билан).	
Мукамал таъмирлаш	
1. Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчасидаги 680 ўринли 21-мактаб.	
2. Фарғона шаҳри, Фаробий кўчасидаги 910 ўринли 40-мактаб.	
3. Фарғона шаҳридаги 86-мактаб-интернат.	
4. Қувасой шаҳри, Бўстон кўчасидаги 422 ўринли 22-мактаб.	
5. Ўзбекистон туманидаги 2-мактаб.	
6. Богдод туманидаги 30-мактаб.	
7. Бешариқ тумани, Кўрғонча қишлоғидаги 250 ўринли 46-мактаб.	
8. Ёзёвон тумани, Соибўйи қишлоғидаги 844 ўринли 6-мактаб.	
9. Данғара тумани, Жилва қишлоғидаги 864 ўринли 15-мактаб.	
10. Риштон тумани, Воҳим қишлоғидаги 480 ўринли 36-мактаб.	
11. Кўштена тумани, Лангар қишлоғидаги 1040 ўринли 20-мактаб.	
12. Фарғона туманидаги 52-мактаб.	
13. Фарғона тумани, Аввал қишлоғидаги 784 ўринли 39-мактаб.	
14. Учкўприк тумани, Олмурод қишлоғидаги 464 ўринли 33-мактаб.	
15. Тошлук тумани, Садада қишлоғидаги 624 ўринли 25-мактаб.	
16. Ўзбекистон тумани, Яйпан қишлоғидаги 750 ўринли 1-мактаб.	
17. Кува тумани, Олтиариқ қишлоғидаги 787 ўринли 20-мактаб.	
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОБЪЕКТЛАРИ	
Қурилиш	
1. Бешариқ тумани, 50 қатновли (сменали) Қиялик қишлоғидаги ҚВП.	
2. Бешариқ тумани, «Бешариқ» ҚФЙ, «Оқтовуқ» МФЙ, 75 қатновли (сменали) «Оқтовуқ» ҚВП.	
3. Риштон тумани, 50 қатновли (сменали) «Чўнғара» ҚВП.	
4. Риштон тумани, 50 қатновли (сменали) «Янгийўл» ҚВП.	
5. Бешариқ тумани 60 ўринли тиббиёт бирлашмаси.	
Реконструкция	
6. Кўштена тумани 270 ўринли тиббиёт бирлашмаси.	
7. Ўзбекистон тумани 190 ўринли тиббиёт бирлашмаси.	
БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМИСИНING ОБЪЕКТЛАРИ	
Янги қурилиш	
1. Риштон тумани, 1-сонли БУСМ қошидаги II ТИП болалар спорт мажмуаси.	
2. Фарғона шаҳридаги футбол мактаби.	
3. Фарғона шаҳар 4-сонли V ТИП болалар спорт мажмуаси.	
4. Фарғона шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, виллоят БУСМ V ТИП болалар спорт мажмуаси.	
Мақтабларга қўшимча бинолар қурилиши	
5. Сўх тумани, 21-мактабга 12x24 м. спорт зали.	
6. Фарғона тумани, 53-мактабга 12x24 м. спорт зали.	
7. Фарғона шаҳар 14-мактабга 12x24 м. спорт зали.	
8. Марғилон шаҳар 21-мактабга 12x24 м. спорт зали.	
9. Кува тумани, 27-мактабга 12x24 м. спорт зали.	
Реконструкция	
10. Фарғона шаҳар 3-сонли футбол мактаб-интернат.	
11. Бешариқ туманидаги 2-сонли БУСМ.	
Янги қурилиш	
1. Фуркат тумани, 15-сонли II ТИП мусиқа ва санъат мактаби.	
2. Ёзёвон тумани, 28-сонли II ТИП мусиқа ва санъат мактаби.	
3. Бешариқ тумани, 18-сонли II ТИП мусиқа ва санъат мактаби.	
Мукамал реконструкция	
4. Кува тумани, 13-сонли II ТИП мусиқа ва санъат мактаби.	
5. Данғара тумани, 27-сонли I ТИП мусиқа ва санъат мактаби.	

Изоҳ: мазкур объектларнинг рўйхатига ўзгаришлар киритилиши мумкин. Талабгорларга нисбатан қўйиладиган талаблар, объектларнинг бошланғич нархлари ва қурилиш муддатлари бўйича шартлар қўшимча тарзда оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинади.

СОЛИҚ ТўЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгаллигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солигини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солигини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

16168/1133
Давлат Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати

Йирик ишлаб чиқариш корхонаси танлов асосида

СЕКРЕТАРЬ-РЕФЕРЕНТ

лавозимига ишга таклиф қилади.

Рус ва ўзбек тилларини аъло даражада билиш, шунингдек, офис техникаларидан мукамал фойдалана олиш талаб қилинади.

Ойлик маош сўхбатдан ўтгач белгиланади.

Мурожаат учун тел.: (8-371) 241-31-94, 241-09-93, (+99890) 167-17-58.

СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ВА КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовкинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллагли, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича. *Махсулот сертификатланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

ООО «SHANXAY PLAST GROUP»

ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

производит **полиэтиленовые трубы**

Ø от 16 до 800 мм для водоснабжения, канализации и газа, соединительные детали: **тройники, переходники, отводы, адаптеры.**

НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.

Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ. *Гарантия качества! Звоните!*

Адрес: г. Ташкент, ул. Зиёлилар, 42. Телефон (+99890) 195-22-15. Факс 269-02-03. WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** E-mail: reklama@xs.uz

«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ» ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси махсус транспорт қурилиш асбоблари кичик механизация воситалари технологик жиҳозлар

ЛИЗИНГ 1 йилдан 5 йилгача

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежасли имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

2013 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСINI ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАНЖИЛ: ТОШКЕНТ Ш., ОЛТИН ВОДИЙ К., 29-«А» УЙ.

www.qurilish-lizing.uz

Махсулот сертификатланган.

Тел.: (8-371) 250-73-14. Тел./ф.: (8-371) 250-51-04. Моб.: 189-95-41, (+99890) 958-61-61.

«Узқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви ҳамда меҳнат жамоаси «Туронқурилиш-материаллари» шўба корхонаси мутахассиси Нодир Мирсағатов падаги бузруквори

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Сирғали филиали бошқарувчиси Акмал Курманов падаги бузруквори

Равшан МИРСАГАТОВнинг АҲРОР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АҲРОР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Меҳрибонлик уйи учун кинозал

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фамхўрлик

Пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи фаолияти мисолида ҳам бунга амин бўлиш мумкин. Яқинда мазкур таълим-тарбия масканда рақамли спорт 3D кинозали ишга туширилди.

Айтиш жоизки, ушбу рақамли спорт залида ҳар қандай компьютер ўйинларини ўйнаш, мультимедиа дарсларни ўқатиш, HD форматдаги рақамли телевидение ва интернет тармоғига улашиш имконияти мавжуд.

Кинозал диагонали 42 дюймлик LG Smart Cinema 3Dнинг сўнгги русумдаги LCD телевизор, Microsoft XBOX 360 ўйин мосламаси, Kinect махсус ускунаси ҳамда замонавий акустика тизими билан жиҳозланган.

Ушбу қурилма ёрдамида тарбияланувчилар спорт анжуманларисиз турли мураккаб машқларни бажаришлари, югуриш, сакраш, стол тенниси, бокс, бадминтон, боулинг, дартс ва бошқа спорт ўйинлари орқали ўз маҳоратларини оширишлари мумкин.

Ирода НАБИЕВА.

Футбол

Машҳур футболчиларнинг аксарияти дастлабки сабоқни спортнинг шу турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда олишган. Масалан, бугунги кунда миллионлаб муҳлислар қалбидан ўрин эгаллаган иқтидорли футболчи Одил Аҳмедовнинг катта спортга илк қадами Наманган шаҳридаги футболга ихтисослаштирилган 15-мактаб-интернатда бошланган. Ҳозир мазкур даргоҳда маҳорат ошираётган ёшлар футбол бўйича миллий терма жамоамиз аъзоси, айни чоғда хорижда ҳам таниқли бўлган бу спортчи билан фахрланишади.

Чемпионлар камол топаётган маскан

Мамлакат футбол жамоаларига қўллаб-қувватлаш бўлиб келган ўйинчиларни етказиб берган ушбу мактаб-интернат бундан ўн олти йил аввал ташкил этилган эди. Дастлабки йилларда унинг моддий-техника базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунга келиб бу маскан икки қаватли замонавий ўқув биноси, иккита футбол майдони, югуриш йўлакларига эга. Назарий машғулотларни амалда мустақамлаш, жисмоний чинқиш машқларини бажариш учун барча шарт-шароит муҳайё. Тарбияланувчилар бундан ташқари мактаб қошидаги "Ёш куч" ўйингоҳи, шунингдек, "Навбахор" клубининг захира майдонидан ҳам фойдаланиш имконига эгалар.

Шоғирд камоли устоз сабоқларига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, мактаб-интернатнинг устозлар жамоасига кишининг ҳаваси келади. Бу ерда меҳнат қилаётган 14 нафар мураббийнинг кўпчилиги турли жамоаларда узоқ вақт тўп сурган футболчилардир. Чунончи, Анвар Бокиев, Аббос Латифбоев, Акмал Теляков ўз вақтида "Навбахор" сафида мазмунли ўйин кўрсатиб, Наманган футболни ривожланишига муносиб ҳисса қўшишган. Улар қўлида тарбия топаётган Санжар Топшўлатов, Мирзохид Маҳкамлов, Шоҳруҳ Сайфиддинов син-

гари умидли ёшлар бугун "Навбахор"нинг ўринбосарлар таркибиде ишончли тўп сурмоқда. Мактаб битирувчиси Азим Аҳмедов (Одил Аҳмедовнинг ўқуси) айни пайтда асосий таркиб аъзоси.



— Битирувчиларимизнинг келажагидан кўнглимиз тўқ, боиси уларнинг аксарияти ўқувчилик чоғидаёқ футбол жамоалари сафидан ўрин олишади, — дейди мактаб-интернат директори Ҳасанбой Саитбоев. — Масалан, "нахтакорчи", Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси аъзоси Владимир Козак, шунингдек, олий лиганинг бир қатор жамоаларида тўп сурётган Отабек Валижонов, Обид Жўрабоев, Абдураззоқ Жўраев, Исроил Эргашев кабилар А. Латифбоев, А. Гўёсов сингари мураббийларининг талабчанлиги, сабр-тоқат билан синдириган сабоқларини миннатдорлик билан эслашади. Умуман олганда, айни кунларда олий лига жамоаларида 14 нафар битирувчимиз тўп сурётганидан хурсандимиз.

ташланмоқда. Масалан, мактаб ўқувчилари биргина кейинги беш йил давомида республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда беш маротаба биринчи ўринни эгаллади. Республика футбол мактаб-интернатлари ўртасида ташкил этилган турнирда икки бор чемпионликка эришди. — Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганга нисбатан муҳим омил бўлмоқда, — дейди Х. Саитбоев. — Жумладан, кейинги йилларда мактаб-интернатимизда фойдаланишга топширилган сузиш хавзаси, машғулот хоналари ва майдонларнинг халқаро андозларга мослаштирилиши болаларни спортнинг бошқа турлари билан ҳам фаол шуғулланишларига имконият яратди. Ўтган йили 1,5 миллиард сўм сарфланиб, мукаммал таъмирдан чиқарилган "Ёш куч" ўйингоҳида футбол машғулотлари юқори савияда ташкил этилмоқда.

Мухтасар айтганда, айни пайтда 230 нафар бола таҳсил олаётган мазкур мактаб-интернат фаолияти, унинг тарбияланувчилари тизимсида миллий футболимиз келажаги янада юксалишига ишонч ҳосил қиласан, киши.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

2013 йилда қурилиши, реконструкцияси ва капитал таъмирланиши режалаштирилган куйидаги объектларга таллов савдолари ўтказилиши бўйича дастлабки рўйхатни эълон қилади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОБЪЕКТЛАРИ	
1.	Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини капитал реконструкция қилиш (4-босқич).
2.	Термиз шаҳридаги вилоят онкология диспансерини капитал реконструкция қилиш (2-босқич).
3.	Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини капитал реконструкция қилиш (3-босқич).
4.	Термиз шаҳридаги вилоят сил касалликлари диспансерини капитал реконструкция қилиш (2-босқич).
5.	Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш (2-босқич).
6.	Шеробод тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш (4-босқич).
7.	Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш (3-босқич).
8.	Кумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасини капитал реконструкция қилиш (3-босқич).
9.	Олтинсой тумани «Хавуз» ҚФЙда қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
10.	Бойсун тумани «Тўда» ҚФЙда қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
11.	Жарқўрғон тумани «Гулхувуз» ҚФЙда қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
12.	Қизилқум тумани «Чорвадор» ҚФЙда қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
13.	Кумқўрғон тумани «Қорсоқли» ҚФЙда қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
14.	Кумқўрғон туманидаги «Обоқли» ҚФЙ, Кумқўрғон маҳалласида қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
15.	Сариосиё тумани «Қўлоб» ҚФЙда қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
16.	Шўрчи тумани «Шалдирок» ҚФЙда қишлоқ врачлик пункти қурилиши.
КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ	
1.	Жарқўрғон туманида маиший хизмат йўналишидаги касб-хунар коллежи қурилиши.
2.	Денов туманида қурилиш ва коммунал хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежи филиали қурилиши.
3.	Олтинсой тумани Қурама қишлоғида қурилиш ва коммунал хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежини капитал реконструкция қилиш.
4.	Шўрчи тумани Совжирон қишлоғида қурилиш ва коммунал хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежини капитал реконструкция қилиш.
5.	Ангор туманидаги «Истиклол» ҚФЙ, Янги турмуш маҳалласида жойлашган маиший хизмат йўналишидаги касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш.
6.	Бойсун тумани Газа маҳалласи ҳудудида жойлашган транспорт ва қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш.
7.	Музработ тумани агросервис йўналишидаги касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш.
8.	Узун тумани қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш.
9.	Денов тумани «Хазарбоғ» ҚФЙ ҳудудидаги Хазарбоғ иқтисодий йўналишидаги касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш.
10.	Қизилқум тумани қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежини капитал таъмирлаш.
Умумтаълим мактаблари	
1.	Бойсун туманидаги 38-умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш.
2.	Бойсун туманидаги 5-умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш.
3.	Денов туманидаги 17-умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш.
4.	Жарқўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш.
5.	Жарқўрғон туманидаги 42-умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш.
6.	Қизилқум туманидаги 66-умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилиш.
Болалар спорт объектлари	
1.	Бойсун туманидаги 3-болалар спорт комплекси (БЎСМ) қурилиши.
2.	Кумқўрғон туманидаги 7-болалар спорт комплекси (БЎСМ) қошида ёпиқ сузиш хавзаси қурилиши.
3.	Қизилқум туманидаги 16-умумтаълим мактаби қошида 12х24 м. ҳажмида спорт зали қурилиши.
4.	Олтинсой туманидаги 10-умумтаълим мактаби қошида 12х24 м. ҳажмида спорт зали қурилиши.
5.	Музработ туманидаги 43-умумтаълим мактаби қошида 12х24 м. ҳажмида спорт зали қурилиши.
6.	Бойсун туманидаги 44-умумтаълим мактаби қошида 9х18 м. ҳажмида спорт зали қурилиши.
7.	Узун туманидаги 27-умумтаълим мактаби қошида 12х24 м. ҳажмида спорт зали қурилиши.
8.	Шўрчи туманидаги 16-сонли болалар спорт комплекси (БЎСМ)ни капитал реконструкция қилиш.
9.	Ангор туманидаги 9-болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши.
10.	Шеробод туманидаги 8-болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши.
11.	Термиз шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши.

Изоҳ: мазкур объектларнинг рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Талабгорларга нисбатан қўйилган талаблар, объектларнинг бошланғич нархлари ва қурилиш муддатлари бўйича шартлар қўшимча тарзда оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинади.

LIUGONG МАХСУС ТЕХНИКА

Ўзбекистондаги расмий дилер «FPI Delivery Service» МЧЖ

Махсус техникаларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан етказиб бериш.

Тел.: (+99871) 234-56-70, Факс: (+99871) 234-62-45. E-mail: fpids01@gmail.com. Манзил: Ўзбекистон, 100053, Тошкент ш., Боғишамол к., 8-уй.

ТАРОЗИЛАР 0,0001 гр.дан 250 тоннагача

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

GAS Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К Акциядорлик жамияти

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, шаҳар ГАИси аввалги биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;

- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

ОБ-ҲАВО (11 октябрь)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	+7 +12	+24 +29	☀️
Бухоро ва Навоий вилоятларида	+7 +12	+24 +29	☀️
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	+7 +12	+24 +29	☀️
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	+8 +13	+25 +30	☀️
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	+5 +10	+23 +28	☀️
Тошкент шаҳрида	+8 +10	+26 +28	☀️

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

кафедралар бўйича қуйидаги бўш иш (вакант) ўрнига юқори малакали мутахассислар талловини эълон қилади.

Хореография кафедраси бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100031, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 256-33-59, 256-36-91, факс: 256-24-36.

GRANDFLEX

POLIETILEN PAKETLAR VAKUUMLI TERMOOPLAMALI VA TERMOOPLAMASIZ QADOQLAR

Mahsulotingiz ko'rkini bizning vazifamizdir!

O'ZI YELIMLANUVCHI ETIKETKALAR

www.grandflex.uz

+998 71 270-06-76 +998 90 996-06-76

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 484 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — С. Махсумов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5